

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент тиббиёт академияси

Даволаш факультети Ички касалликлар
пропедевтикаси, гематология ва харбий дала
терапияси, касб касалликлари, ҳамширалик иши
кафедраси

Ички касалликлар пропедевтикаси фани

МАЪРУЗА №1

**МАВЗУ: КИРИШ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТИББИЁТНИ
РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ. ТЕРАПЕВТИК МАКТАБ АСОСЧИЛАРИ.
ТИББИЕТ ДЕОНТОЛОГИЯСИ. ПРОПЕДЕВТИК КЛИНИКА
ВАЗИФАЛАРИ. СЕМИОТИКА, ТАШХИС ТУГРИСИДА ТУШУНЧА.
БЕМОРНИ ТЕКШИРИШНИНГ УМУМИЙ РЕЖАСИ. АНАМНЕЗ.
КАСАЛЛИК БАЁНИ**

Тузувчилар: профессор Ш.Я.Зокирхўжаев, доцент Б.Н.Нуритдинов,
доцент Б.А.Толипов, доцент И.С.Салихова, катта ўқитувчи М.У.Солихов

Тошкент – 2011

МАЪРУЗА №1

1. Мавзу: Кириш. Ўзбекистонда ички тиббиётни ривожланиш тарихи. Терапевтик мактаб асосчилари. Тиббиёт деонтологияси. Пропедевтик клиника вазифалари. Семиотика, ташхис тугрисида тушунча. Беморни текширишнинг умумий режаси. Анамнез. Касаллик баёни.

2. Маъруза кимга мулжалланган:

Маруза даволаш факультети 3 курс талабалари учун мулжалланган.

3. Маъруза максади:

А. Шарк тиббиётини ривожланишига, шу жумладан Ватанимиз ички тиббиётини ривожланишига улкан хисса қўшган олимларимиз ҳаёти ва улар ёзиб қолдирган тиббиёт соҳасидаги улкан, бебаҳо асарларини урганишга талабаларни даъват этиш ва жалб қилиш.

Б. Тиббиёт деонтологиясини мукамал эгаллашлари учун йул-йурик қўрсатиш. Диагноз қўйиш мураккабликлари ҳақида тушунча бериш

В. Талабаларни тиббиёт фанига олиб кириш эмас, балки уни севиш, унинг қийинчиликларига чидаш, ҳамда уларга секин-аста беморлар билан мулоқот қилиш санъатини ургатиш ва клиника тафаккурини ривожланиб боришини шакллантиришга қаратилган.

4. Маърузанинг вазифалари:

Талабаларда пропедевтик терапия асосларини шакллантириш;

Талабаларнинг онгига тиббиёт деонтологияси асосларини сингдириш;

Касаллар билан мулоқот қилиш санъатига эга бўлишда деонтологиянинг аҳамиятини тушунтириш;

Беморни текшириш усуллари тарихий ривожланиб бориши тугрисида тушунча бериш ва шарк олимларининг, жумладан Ар-Розий ва Абу Али Ибн Синонинг тиббиётни ривожлантиришдаги ролини алохида курсатиш.

Беморни текшириш усуллари хозирги замон тартиби тугрисида, яъни касаллик баёнинг схемаси тугрисида тушунча бериш.

Беморларни тула-тукис текширишни урганиш ва текшириш асосида диагноз куйиш тугрисида тушунча бериш.

5. Маърузанинг жихозланиши:

- а) Олимлар фотогалереяси;
- б) "Клиникага йул" видеотасмаси;
- в) ИКП ва деонтология буйича адабиётлар;
- г) Беморларнинг касаллик баени схемаси.

6. Маърузанинг матни:

Деонтология шифокорнинг бурчи ва одоби хакидаги фан булиб, бугунги олимларимиз эътироф этишича, тиббиётга аввало узига хос бир фан сифатида караш кераклиги хеч кимда эътироз ёки шубха тугдирмайди. Лекин унинг амалий жорийси, ижроси, табобатчилик сирларининг хаётдаги татбики катта. Бу бир санъат эканлигини хам тан олишга тугри келади. Врачлик деонтологияси фан сифатида кенг философик тушунча булиб, врач билан бемор уртасидаги муносабат; врач билан беморнинг кариндошлари, якинлари орасидаги муносабат; врачларнинг хамкасблари, урта ва кичик тиббиёт ходимлари билан муносабатлари; врач ва беморнинг даволаш жараёни пайтидаги ҳуқуқлари; устоз ва шогирд муносабатлари; врачлик сири ва хатолари каби муаммолар билан шугулланади.

Тиббиёт амалиетида тугри жорий килиниши врачларнинг онги, савияси, дунёкараши, билим мезони, қайси соҳада ва лавозимда ишлаётганлиги ва қайси жамиятда яшаётганлиги билан ҳамбарчас боғлиқдир. Кишилиқ жамияти таракқиётининг турли босқичларида врачларнинг беморлар билан деонтологик муносабатлари бир хилда бўлган эмас, замон талабига қараб ўзгариб борган. Шифокорлар одоби, хатти-ҳаракатларини баҳолаш мезони ҳам шунга мувофиқ равишда ўзгарган. Биз шифокорлар, соғлиқни сақлаш ходимлари, домлалар Ўзбекистонимизнинг миллий истиқлол мафкурасини бойитишга юқори малакали врачларни бакалавр, умумий амалий врач, оилавий шифокор, магистр тайёрлаш ва уларни деонтологик чиниктириш борасидаги ўз дастурларимиз билан қатнашишимиз лозим. Бу дастурнинг негизида талабалар онгига ҳозирги замон дунёкарашини шакллантириш баробарида тиббий олий ўқув юртларида маънавият, маърифат фалсафа, маданиятшунослиқ, тиб тарихи, диншунослиқ, одобнома-деонтология, иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослиқ назарияларини ўқитиш зарур. Тиббиёт олий ўқув юртларида бўлажак умумамалиёт еки оилавий шифокорларни деонтологик тарбиялаш дастури чуқур ишлаб чиқилиши керак.

Бу борада Тошкент тиббиёт академияда олиб борилаётган деонтологик тарбиявий ишларнинг диққатга сазовордир. Жумладан, кириш имтихонларидан мувоффақиятли ўтган ёшларни "Талабалиққа қабул қилиш", "Синов дафтарчасини топшириш", биринчи бор клиникага қадам қўйган талабалари ўчун "Клиникага йўл", талабалар илмий жамиятининг йиллик анжуманлари ҳам врачлик деонтологиясига бағишланган маърузаларни қамраб олиши билан аҳамиятлидир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси врачининг қасамедини битирувчилар томонидан яққа тарзда қабул қилиниши, хотин-қизлар "Навруз" ва "Тил байрам"ларини ўтказиш маросимларини ҳам қиритиш мумкин.

Врачлик деонтологияси фан сифатида қенг тармоқларга ва жабҳаларга эга. Уларни бир кафедранинг қучи еки деонтологик курс очиш билан ўргатиб ёки

урганиб булмайди. Юзаки караганда деонтология умумий фанга якин тушунча булса хам, аммо хар бир врачлик касбининг узига хос кирралари мавжуд. Колаверса, терапевтлар, хирурглар, стоматологлар, психиатрлар, онкологлар, умумамалиёт ёки оилавий врачлар деонтологияси бир-биридан фарк килади.

Бугунги куннинг талабига кура умумамалиёт ва оилавий шифокор деонтологияси биринчи уринга кутарилди. Кишлок врачлик пунктида, оилавий поликлиникаларда, кундузги шифохоналарда, уй шароитидаги давохоналарда, ишлайдиган врачлар тор соха билан чегараланмай тиббиётнинг барча сохалари буйича керакли тиббиёт ёрдамани курсатишига деонтологик шай булиши керак. Врачлик деонтологияси асосида шифокорнинг бемор билан муносабати ётади. Врачнинг бутун билими, одоби, хатти-харакати беморда унга нисбатан ишонч уйготишга каратилган булиши керак. Беморда узини кийнаган дардига врач малхам, нажот була олади, деган умид ва туйгу пайдо булиши керак. Бунинг учун аввало врач бемор билан мулокот санъатини эгаллаши шарт. Афсуски, биз талабаларга беморлар билан гаплашиш, беморнинг анамнезини туплаш санъатини чукур ургатмаймиз, бунга укув дастурларимизда етарли соатлар ажратилган эмас. Лекин, бу деонтологик тарбиянинг энг мухим ва долзарб муаммоларидан хисобланиши керак.

"Врач" атамаси этимологик "врать" сузидан келиб чикиб, ёлгон гапириш маъносида эмас, "говорить", яъни гапира олувчи, гапга чечан, гап ёки суз билан беморга таъсир олувчи маъносини англатади. Улуг рус олими Бехтеревнинг "Агар врачнинг биринчи сухбатидан сунг бемор енгил тортмаса, хис этмаса у врач эмас", деган иборасини эсланг. Айрим чет эл мамлакатлари тиббий олий укув юртларида бу масалага жиддий ёндашишни курамиз. Масалан, Англиянинг Глазго шаҳридаги тиббиёт факультетида профессор Хамшир Барбер раҳбарлигида 3-5 курс талабаларига мулжалланган "Беморлар билан мулокот санъати" кафедраси мавжуд. Бемор

билан суҳбатлашиш санъати беморнинг исми-шарифи, насли-насаби, касби-кори, лавозимини ҳисобга олга ҳолда узига хос равишда олиб борилишини талаб қилишини биламиз. Аммо суҳбат мазмунида беморнинг дарди асосий мавзу эканлигини чуқур таҳлил этаймиз. Бошқача қилиб айтганда, мулокат деонтологияси беморнинг асосий клиник диагнози атрофида бўлиши шарт. Айтайлик, врач билан бемор суҳбатининг узагида бемор дардига малҳам бўлиш, касалликнинг кечиши, оқибатлари ҳақида ишонарли, тугри, объектив маълумотларга асосланиб уларни бошқаларга ошқор қилмасдан даволаниб кетишига умидини пайдо қилиш этади. Мулоқот санъатини эгаллаган оилавий врач миокард инфарктига, мия инсултига, ракка, бронхиал астмага, силга, шизофренияга, захм, ОИТС (СПИД) каби хасталикларга учраган беморлар ва уларнинг яқинлари билан бир тарзда суҳбат қурмаслиги керак. Мураккаб жаррохлик операциясидан олдин беморлар ва унинг яқинлари билан олиб бориладиган қийин ва узок суҳбат услубини нега уқитмаймиз? Оилавий шифокор деонтологиясининг жумбок муаммоларидан бири ятрогения ҳақида суз юритишни жоиз биламан. Маълумки, "ятрогения" бу врачнинг ёки тиббиёт хамшираларининг ношуд суҳбати, ноҳуя хатти-харакатлари, билимсизлиги ёки, бир суз билан айтганда, шифокорларнинг айби туфайли беморда янги касалликнинг пайдо бўлишидир. Буюк аллома Букротнинг "беморга энг аввало зарар келтирма" деган деонтологик нақлини ёдда тутиш зарур. Бундай ятроген касаллик бугунги тиббиёт амалиётида беморлар орасида 10 фойизни ташкил этади. Бу аянчли ракам ҳозирги замон табобатида хизмат қилаётган врачларимиз, хамшираларимиз орасида уз бурчини тула адо этмаётганлар еки тушунмаётганлар анчагина эканлигини курсатади. Бундай қавс ичидаги шифокорлар врачлар шаънига доғ тушириб, беморларимизни уз дардларига нажотни бошқалардан, сохта табиб ва фирибгарлардан ахтаришга сабабчи бўлаётганларини сезармикинлар? Икки оғиз суз ҳозирги кунда Европа, Америка ва Япония врачлари орасида шов-шувга ва мунозарага сабаб бўлаётган эвтаназия ҳақида. Эвтаназия - бу оғир, тузалмас касалликка мубтало бўлган беморни қийнок азоблардан қутқариш

ва тиббий улимни турли дори-дармонлар ёрдамида енгиллаштириш ва тезлаштиришдир. Яна эвтаназия "Гуманная смерть" еки японча "смерть с достоинством" деб аталади. Бу калтис ва нозик масалага врачлик деонтологияси нуктаи назаридан манфий жавобни берган булар эдим. Чунки Букрот уigitларидан бирида "улдирма!" ("не убей!") ва "мен врачлик фаолиятимда беморнинг улимига сабаб буладиган бирон бир дорини ишлатмасликка касам ичаман" деган ибораларни, ҳамда хазрат Алишер Навоийнинг "табиб жаллод эмас", деган нақлини эслатиш лозим кураман. Лекин уйлайманки бу муаммо хали куп мунозараларга сабаб булади ва ҳукукий ечимини топмагунча давом этади. Шифокорлик сирини саклаш бурчи бу замон деонтологиясининг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Чунки касал ва унинг бошка оила аъзоларини сихати, иллатлари ва ҳаётларининг интим томонларига дойр турли маълумотлар беихтиёр оилавий врачга етиб келади. Бу маълумотларни тугри "ҳазм килиш", бошкаларга айтмаслик, бемор тузалмас ёки юкумли дардга чалинган ҳасталарнинг сихат-саломатлиги ҳақидаги ахборотларни дардманнинг ва жамоатнинг фойдасини кузлаган ҳолда ошкор этиш зарурлигини уйлаб иш тутиши керак. Энди шифокор ва бемор ҳамда унинг қариндошлари билан моддий муносабат ҳақида. Бу деонтологиянинг энг нозик муаммоларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиётига асосланган янги ҷамият кура бошлаган утиш даврида бу масалани четлаб утсак ҳам булар эди. Лекин мен азиз шифокорларимизга ҳозирги уткинчи даврни сабр-матонат билан, чидам билан оқ ҳалатимизга доғ туширмай, беморларимизга сидқидилдан бегараз ва қолаверса, купчилигимизга ҳос фидоийларча хизмат курсатишни давом эттиришларини истар эдим. Бу борада мен буюк тиббиёт алломаларимиз Букрот, Абу Али Ибн Сино, Закарие ар-Розий, Маймонид насихатлари, касамёдларида аввало врач фаолиятининг курки сифатида бегаразлик гоёси устун қуйилганини таъкидламоқчиман. Номи зикр қилинган алломалар ҳаётларида шохони ҳаёт кечирмаганликлари,

кундалик моддий шароитга куникиб, камтарин ва камсукум яшаганликлари тарихдан маълум.

Давлат тасарруфида хизмат килаётган шифокорлар порахурлик, тамагирлик каби иллатлар зиддир. Бемор тузалиб, узини кийнаган касаллик азобидан бутунлай фориғ булганидан сунг, шифокорларга уларнинг фидоий ва кахрамонона хизматларига яраша килмокчи булган моддий рахматига сидкидилдан муносабат шифокорларнинг имени ва виждонининг мезони билан бахоланади. Врачлик деонтологияси шифокордан инсоний фазилатларга эга булишни такозо этади. Бундай фазилатлар билимдонлик, одамийлик, жасорат, меҳр-шафкат, хушмуомалалик, оқиллик, халоллик, инсофлилик, покизалик, софдиллик, зийраклик, хозиржавоблик, босиклик, камтарлик, изланувчанлик кабилардир.маълумки, шифокорлик деонтологияси врачдан аввало билимдонликни талаб килади. Бунинг умумий билим кулами тиббиет институтида олган билими, олийгохни битиргандан сунг уз устида тинмай ишлаб, билим косасини тулдириб боришига боглик. Халкаро согликни саклаш ташкилотининг маълумотига кура,одамлар орасида учрайдиган касалликларнинг сони ун мингдан, хасталик белгилари эса юз мингдан ортик. Хар йили дунёда касалликларга карши минглаб янги дорилар ишлаб чикарилади. Уларнинг хаммасини институтда укиб юрган даврда талабаларга ургатиб булмайди. Хайтий ва врачлик фаолияти даврида шифокор турли тиббий китоблар, журналлар ва айрим манбалардан фойдаланган холда уз билимини бойитиб боради. Халкаро Согликни саклаш ташкилоти статистика буйича йилига 6000га якин ойлик журнал улардан 200000га якин илмий маколалар босилади ва 8000га якин турли китоб, дарслик, монографиялар чоп килинади. Врачлик деонтологияси тиббиет тарихини яхши билишни такозо этади. Айникса хозирги, узлигимизни англаётган, шарк таботатини урганишга кенг йул очилган кунда аждодларимизнинг араб имлосида ёзилган нодир тиббий асарларини укиб олмаслик бизда бирмунча кийинчилик

тугдирмокда. Шундай булса хам, Узбекистан Халк академияси кошида ишлаётган шаркшунос олимларнинг таржималарини укиш оркали улуг табибларимизнинг табобатчиликдаги билим ва санъатларидан бирмунча бахраманд булмокдамиз. Биз шу кунгача талабаларимизга шифохоналарда беморнинг касаллик тарихи ёзилишини буюк рус олими, терапевт М.Я.Мудров XIX аср боши амалиётга жорий килган, деб укитиб келганмиз. Холбуки, бу ишни М.Я.Мудровдан қарийб 1000 йил илгари яшаган Шаркнинг улуг олими Ар-Розий ва унинг шогирди амалга оширган экан. Уларнинг узбек тилига таржима килинган "Касалликлар тарихи" деган рисоласида 799та беморнинг касаллик тарихи чуқур таҳлил килинган. Утмишимиз тарихини билишга интилиш билимнинг янги-янги қирраларини очаётганлиги қувонарли ҳолдир. Шунини таъкидлаш керакки, врачлик деонтологияси ҳақида таълим бераётганимизда, талабаларга врачларнинг касбий фаолияти ва шахсий ғазилатлари қандай бўлиши керакли борасида суз юритганимизда биз мисолларни рус адабиётлари намоёндалари Чехов, Вересаев, Булгаков ва бошқалардан қидирамиз эдик. Холбуки, улуг шоирларимиз Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийлар табобат ва табибларга доир қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирган эканлар. Масалан, Алишер Навоий узининг "Махбубул-қулуб" асарида табиблар ҳақида қуйидаги ноёб фикрларни айтади: "Табиб уз фанининг мохир билимдони бўлиши, беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиши, асли илмига табиати қелишмоғи, донишмандлар сузига риоя қилиб, уларга эргашмоғи, мулоим суз ва бемор қунглини қутарувчи андишали, хушғеъл булмоғи керак. Уткир ва шафқатли табиб Исоға ухшайди. Исонинг иши жонни дуо билан танга қиритиш булса, табибнинг иши эса тандан қикмокчи булган жонни даво билан қикармасликдир. Бундай табибнинг юзи ҳасталар қунглида севимлидир, сузи эса беморлар жонига ёқимлидир. Унинг ҳар нафаси беморларга даво, ҳар қадами эса ҳасталарга шифодир. Унинг юзи нажот қелтирувчи Хизрни, берадиган шарбати эса тириклик сувини эслатади. Табиб агар уз қасбида мохир булса-ю, аммо узи бадғеъл, бепарво ва қупол

суз булса, беморни хар канча муолажа килганда хам барибир унинг мижосида узгариш пайдо килолмайди. Табобат фанидан саводсиз табиб худди жаллод кабидир. У тиг билан улдирмаса, бу захар билан азоблайди. Шубхасиз, ажллод бундай табибдан яхшироқдир. Зеро, у гунохкорларни улдиради, бу эса бегунохларни халок килади. Хеч бир гунохкор жаллод кулида хор булмасин, хеч бир бегунох касалманд бундай табибга зор булмасин."

Пропедевтика - ички касалликларни урганишга киришиш ёки кириш деган маънони англатади. Ички касалликлар пропедевтикаси ёки диагностикаси беморларни текшириш усуллари ургатади, хамда олинган маълумотларга ёки натижаларга асосланиб касалликни уз вақтида ва тугри аниклашга имкон беради.

Диагноз - /грек. Diagnosis - билиш, анилаш/. Касалликни аниклаш ва у тугрида қисқача хулосага келиш деган маънони англатади.

Семиотика - касалликнинг белгиларини ёки патологик белгиларини урганиш деган маънони англатади. Демак, касаллик семиотикасини урганиш орқали унга диагноз қўйиш мумкин экан. Беморни текшириш маълум режа асосида олиб борилади. Субъектив ва объектив текширувларга бўлинади. Бемор билан мулоқат қилиш, сузлашиш, анамнез йиғиш ва объектив текшириш, хамда лаборатор - асбобий текширувлар олиб борилади. Хамма текширув натижалари касаллик баенига тартиб билан езиб борилади ва охирида тахлил қилиб бир хулосага келинади.

Мисол: маълумки, қадимдан тиббиётни ва табобатни акс эттирадиган турли рамзий тимсоллар мавжуд. Унга ХУП асрда яшаган машхур голланд врач Ван Тюльп "Ёниб узгаларга нур таркатаман" деган иборани айтган. Лекин Ван Тюльпдан 300 йил бурун яшаган Абдурахмон Жомийнинг бу борада зиели табибга айтган шеърӣй нақлини келтирамиз:

Шамдек бул, шамни қур, қуйиб қалбу тан, узгалар дилини килади равшан.

Шамдек куйса хам узгалар дилини равшан килиш бахтига муяссар булмас хакикий шифокор кисматидир.

"Ёниб, ўзгаларга нур таркатаман" /XVII аср Голланд врачл Ван Тюльп/

7. Укитувчининг курсатмалари:

Маърузанинг мазмунидан маълум булдики, пропедевтика фани ички касалликларни урганишнинг асоси, яъни пойдевори хисобланади. Беморлар билан мулокат килиш санъатини билиш эса хар бир умумамалиет ва оилавий врач учун мухим шартлардан бири хисобланади, зеро беморни рухий холатини билмасдан, у билан сухбат килмасдан туриб диагноз куйиш жуда мушкул масала. Юридик хужжат сифатида касаллик баенини кандай тутиш, езиш кераклигини билиш асосий масалалардан биридир.

8. Маърузада кулланилган адабиётлар:

Асосий кўлланмалар:

- 1/ Ички касалликлар пропедевтикаси. Тошкент, Ибн Сино, 1996.
- 2/ Пропедевтика внутренних болезней. Москва, Медицина, 1989.2002.,2005.
- 3/ Деонтология в практике терапевта, 1992.
- 4/ Внутренние болезни. А.Н. Шишкин, Санкт-Петербург, 2000.

кўшимча кўлланмалар:

- 1 Ички касалликлар диагностикас и. Бахадиров К.Б.1992й.
- 2.Ички касалликлар пропедевтикаси Корабаева Р.А. 1997й.
- 3..Абу али ибн сино Тиб Конунлари 2000 йил